Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (6155).

22 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, 1977 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛҒАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1977 йил халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Қуйидаги областлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотланди: Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё областлари.

Қуйидаги шаҳарлар ва шаҳарлардаги районлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлари ҳамда пул мукофотларига сазовор бўлдилар:

Тошкент областидан — Янгийўл, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари.

Тошкент шаҳридаги — Ҳамза райони.

Қуйидаги коллективлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар ва пул мукофотларига сазовор бўлдилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ўзбекгидрогеология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ташкентгеология» бирлашмаси комплекс геология-геофизика қидирув экспедицияси.

Ўзбекистон Геология министрлиги дала ва кон геофизикаси конторасы.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведкаси институти.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги 2-«Ўзсельэлектрострой» трести.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Ўзэнергосбит» ишлаб чиқариш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Ўрта Чирчиқ ГЭСлари тизмаси.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекгидроэнергострой» трести.

СССР Химия саноати министрлигига қарашли Олмалиқ химия заводи.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Ўзкожобувьпром» республика саноат бирлашмасига қарашли Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Заготхлопкопром» Тошкент саноат бирлашмасига қарашли Пскент пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги «Ташзаготлубпром» саноат бирлашмасига қарашли «Новая жизнь» луб заводи.

Ўзбекистон ССР Озиқ-Овқат саноати министрлиги Янгийўл кондитер-хамиртуруш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Озиқ-Овқат саноати министрлигига қарашли Олмалиқ пиво заводи.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги гўшт саноати Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хўжалик ҳисобидаги «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли «Ташкентвино» комбинати.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли Олмалиқ мебель фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Ангрен бинокорлик материаллари комбинати.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Оҳангарон «Стройпластмасса» комбинати.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия» бош бошқармасига қарашли Оҳангарон 8-темирбетон заводи.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Спецэлеватормельстрой» трестига қарашли 3-қурилиш поезди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзстройменханизация» трести.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Ўзэлектромонтаж» трестига қарашли Тошкент 1-монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари Министрлиги 93-ихтисослаштирилган трестига қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Тошкент енгил металл конструкциялар экспериментал заводи.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 4-«Ўзсельспецстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 2-«Ўзсельспецстрой» трести.

«Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестига қарашли 12-қурилиш бошқармаси.

«Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести.

«Главташкентстрой»нинг 10-«Жилстрой» қурилиш трести.

«Главташкентстрой»нинг ихтисослаштирилган «Ташнижстрой» трести.

«Узколхозстрой» бирлашмасига қарашли 2-«Узколхозспецстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Водспецремонт» республика трести.

«Узглавводстрой»га қарашли «Спецмонтажводстрой» трести.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасига қарашли шаҳарни ёритиш конторасы.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трести.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасининг ирригация, гидротехника иншоотлари ва кўкаламзорлаштириш ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги марказлаштирилган юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги пассажир ташиш Тошкент область ишлаб чиқариш автомобиль трести.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги «Узавторемонт» саноат бирлашмасига қарашли 4-Олмалиқ авторемонт заводи.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Тошкент Марказий телеграфи.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги «Узавтотехобслуживание» республика саноат бирлашмасига қарашли Тошкент «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси Ленин район ошхоналар трести.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасига қарашли Тошкент хўжалик-маданий моллар савдоси.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли «Узоптгалантерея» республика базаси.

Тошкент область матлубот союзининг Оржоникидзе район матлубот союзи.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли Тошкент автомобиль-йўл институти.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ўсимликлар эксперименталь биологияси институти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узглавстройдревпром» бош бошқармасига қарашли оптоб нуридан ҳимоя қилиш қурилмалари заводи.

Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит» бош бошқармасига қарашли Тошкент область нефть маҳсулотлари таъминоти ва реализацияси бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Главснабга қарашли «Узглавэлектроснабсбит» «Узэлектрораднаприбор» идораси.

Ўзбекистон ССР Главснабга қарашли «Узглавинструментзапчасть» республика запас қисмлар базаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриёти, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетига қарашли 3-Тошкент босмахонаси.

Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг Ўзбекистон республика телевидениеси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетига қарашли Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти.

Ўзбекистон Карлар жамияти марказий бошқармасига қарашли Тошкент таълим—ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Чевар» тикув—ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тошкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Оққўрғон тўқимачилик галантерея фабрикаси.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан областлар, шаҳарлар, районлар меҳнаткашларини, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари коллективларини табриклайдилар ҳамда республика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилар, барча меҳнаткашлари партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириб бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, ўнинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун ўзларининг бутун кучларини, билимлари ва тажрибаларини ишга соладилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

21 февраль куни Кремлда Совет-Сурия музокаралари бошланди.

Совет томонидан музокаралари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, СССР Ташқи Ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков;

Сурия томонидан — Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Хафиз Асад, Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлик органининг аъзоси, Сурия Араб Республикаси Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ташқи Ишлар министри А. Ҳ. Ҳаддам, Араб Социалистик уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлик органининг аъзоси Ю. Асаад, Араб Социалистик уйғониш партияси Маҳаллий раҳбарлик органининг аъзоси Н. Хассун олиб бордилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида Совет-Сурия муносабатларининг аҳволи ва шу муносабатларни янада ривожлантириш хусусида батафсил ҳамда амалий равишда фикрлашиб олинди.

СССР билан САР ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари 1974 йил 13 апрель куни олий даражадаги учрашув натижасида Москвада қабул қилинган Совет-Сурия қўшма баёнотида мустаҳкамлаб берилган принциплар асосида муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этилди. Томонлар ана шу баёнотнинг иккала мамлакат халқлари туб манфаатларига, араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тўғатиш йўлидаги одилона кураш ишига мос бўлиб тушадиган Совет-Сурия дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун бўлган аҳамиятини таъкидладилар.

Энг муҳим халқаро проблемалар хусусидаги фикрлашувлар чоғида Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятнинг ривожига, бу ерда империалистик кучлар ва маҳаллий реакциянинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида вазият жиддий равишда чигаллашганлигига алоҳида эътибор берилди. Миснинг Исроил билан сепарат тил бириктириш сиёсати ўзининг мутлақо самарасизлигини ва тутуруқсизлигини кўрсатганлиги ҳамда араб халқларининг манфаатларига жиддий зарар етказганлиги Яқин Шарқдаги тангликни одилона асосда ҳар томонлама бартараф этиш йўлларини қидириш зарурлигини жуда яққол тасдиқлаб турибди.

(ТАСС).

Суратда: музокаралар пайтида.

В. Мусаэльян фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВАТАН МУКОФОТИГА ЖАВОБАН

Республика бўйлаб хушхабар тарқалди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган жуда катта муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавқатли меҳнатлари учун барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР илғор бригада бошлиқлари ва хўжаликларнинг раҳбарларидан йигирма киши ватаннинг юксак мукофотига — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва Жиззах районидаги Москва колхозининг раиси Ҳамроқул Носиров ғоят катта муваффақиятларга эришганликлари учун Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан тақдирланишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Район хўжаликларининг пахтакорлари, Жиззах корхоналари ва ташкилотларининг намояндалари уни муборакбод этгани келишди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси К. Азимов ва митингнинг бошқа иштирокчилари Ўзбекистонда колхоз қурилишини ривожлантиришга, совет пахтачилигини қарор топтириш ва юксалтиришга Ҳ. Носиров жуда катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида гапирдилар.

Ҳ. Носиров ўзининг меҳнат фаолиятига берилган юксак баҳо учун Ватанга, КПСС ленинчи Марказий Комитетига ва шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга миннатдорлик ва ташаккур сўзларини изҳор этди. У социалистик Ватаннинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч-ғайратини аямайман ва колхознинг бутун коллективи билан биргаликда «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда янги муваффақиятларга эришамиз, деб ишонтирди.

(ЎзТАГ).

нутқида Леонид Ильичнинг ўзига йўллаган мактубидаги эзгу-истаклар ва маслаҳатларини алоҳида таъкидлаб, бу мактуб ўзининг бригадаси учун, шу билан бирга республиканинг барча пахтакорлари — механизаторлари учун ҳам ҳаракат программаси бўлганлигини айтди. Т. Охунова мукофотга жавобан беш йиллиқнинг учинчи йилини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонлашга аҳд қилди: 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хосили олишга ва шахсан ўзи пахта теродиган агрегатда 450 тонна пахта териб беришга бел боғлади.

* * *

Жиззах районидаги Ленин орденли Москва колхози байрам либосида. Бу ерда хўжалик раиси Ҳамроқул Носировнинг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан тақдирланишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Район хўжаликларининг пахтакорлари, Жиззах корхоналари ва ташкилотларининг намояндалари уни муборакбод этгани келишди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси К. Азимов ва митингнинг бошқа иштирокчилари Ўзбекистонда колхоз қурилишини ривожлантиришга, совет пахтачилигини қарор топтириш ва юксалтиришга Ҳ. Носиров жуда катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида гапирдилар.

Минбарда Т. Охунова. У ўз меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун партияга, совет ҳукуматига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга катта миннатдорлик ва ташаккур сўзларини изҳор этди. Мамлакатнинг донгдор механизатори ўз

«ИШЧИЛАР ҚАЛЪАСИ» БАРАКАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАДИ

Москвадаги илғор коллективларнинг В. И. Ленин туғилган кунинг 108 йиллигига бағишлаб 22 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги чақирағига Ўзбекистон пойтахтидаги Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг ишчилари, инженерлари, хизматчилари яхши ваъдага кўра биринчи бўлиб лаббай деб жавоб қайтардилар.

Октябрь Революцияси байроғи ўлкада биринчи марта бундан 60 йил муқаддам кўтарилган шонли «ишчилар қалъаси»да 21 февраль куни митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари «Қизил шанбалик»ни энг юқори меҳнат унумдорлиги, нуқул аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлаймиз, деб даъват қилдилар.

— 22 апрель куни цехимиз коллективи рекорд кўрсаткичга эришади,— дейди гилдирак цехининг слесари коммунист О. Хусанбоев.— Биз шу куни тепловоздар учун 12 жуфт гилдирак тайёрлаш мажбуриятини оламиз, бу—кунлик пландан қариб икки баравар ортиқдир. Кўпгина ишчиларимиз шанбаликда тежаб қолинган хом ашё ва электр энергияси ҳисобига меҳнат қиладилар.

Слесарь электрик Т. Ф. Чередникова, комсомол комитетининг секретари Б. Е. Фоломушкин ва бошқалар шанбалиқдаги бўлғуси рекордларга ҳозирданоқ замин яратилади, деб таъкидладилар.

Митингда қабул қилинган резолюцияда бундай деб ёзиб қўйилди: Коммунистик шанбалик куни — 22 апрелда битта тепловоз секциясини ремонт қилиб берамиз, 20 тонна қўйилма тайёрлаймиз. Ўша куни ҳаммаси бўлиб 65 минг сўмлик маҳсулот чиқаришга қарор қилинди. Бу—одатдаги иш кунидагидан анча ортиқ. Иш ҳақининг ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1977 йилда халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топдилар ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг Кўчма Қизил Байроқлари, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирладилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Чиноз райони,

Бўстонлиқ районидаги А. А. Жданов номли колхоз,

Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз,

Коммунистик райондаги «Правда» колхози,

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози,

Оққўрғон районидаги «Оқкўрғон» совхози,

Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси,

Тошкент районидаги Ленин орденли академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Калинин районидаги 1-теплица комбинати,

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Совети ва Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб келган колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини, партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш органларининг ходимларини қизғин табриклайдилар ва улар эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, 1978 йилда КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг қулоч ёйдиришга, СССР янги Конституцияси қабул қилинган кун санасини меҳнатда катта-катта муваффақиятлар билан кутиб олишга, мамлакатимизда коммунистик жамиятни бунёд этиш ишига муносиб ҳисса қўшишга, деб ишонч билдирадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1978 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларини колхозчилар ва совхоз ишчилари орасида кенг муҳокама қилиш вазифаси юклатилди. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1978 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича колхоз ва совхозлар, бригада ва фермалар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш таъминлансин.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область радио эшиттириш ва телевидениеси бош редакцияларига область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1978 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

(Район қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятлари газетанинг иккинчи бетида босилди).

БУЮК ПОЧИННИНГ ДАВОМИ

Москванинг илғор корхоналари 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунинг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан руҳланган шу корхоналарнинг коллективлари пойтахт меҳнаткашларини шанбалик куни рекорд миқдорда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, тежалган энергия ресурслари, хом ашё ва материал ҳисобидан ишлашга даъват этдилар.

Буюк Почин бошланган жой — Москва-Сортировочная локомотив депосида 20 февраль куни темирйўлчилар митинги бўлиб ўтди. Улар йиғилган цех: «Коммунистик шанбаликда энг юксак унумдорликка эришамиз!», «Беш йиллиқнинг учинчи йили — зарбдор меҳнат йили», «КПСС XXV съезди қарорларини бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган қизил алвонлар ва транспарантлар билан безатилган эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машинист А. В. Бриксин, депо бошлиғи А. С. Латушкин, электровозремонт цехи слесари М. Н. Петраков ва сўзга чиққан бошқа кишилар шуни таъкидладиларки, шанбалик совет халқининг Коммунистик партия билан Совет давлати асосчиси В. И. Ленин туғилган кунни янги-янги меҳнат зафарлари билан нишонлашдан иборат шонли ан-анасининг ёрқин ифодаси бўлиб қолади.

Шанбалик куни темирйўлчилар ўтган йилги зарбдор меҳнат кунидагига қараганда иккита кўп, яъни етти локомотивни, шунингдек бир кранни ремонтдан чиқариш мажбуриятини олдилар. Локомотив бригадалари 22 апрелга қадар тежаб қолинган электроэнергия ҳисобидан қариб 150 минг тонна юк ташиб, 65 пассажир поездини манзилга етказадилар.

Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводининг меҳнатчилари В. И. Ленин бир неча марта нутқ сўзлаган цех ўрнида қад кўтарган ишлаб чиқариш корпусида митингга йиғилдилар. Йиғувчи-слесарь М. М. Комаров, обмоткачи В. И. Ишченко, созловчи, ВЛКСМ Комитетининг секретари Г. П. Шатров ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар корхона ходимлари нақадар зўр меҳнат завқ-шавқи билан коммунистик шанбаликка ҳозирлик кўраётганликлари ҳақида гапирдилар. Шу куни машинасозлар 250 минг сўмлик, одатдаги иш кунидагига қараганда анча кўп ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

«Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатининг, «Автозил», МЭЛЗ бирлашмаларининг ва «Динамо» электр машинасозлик заводининг меҳнатчилари 20 февраль куни бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда коммунистик шанбаликда қатнашишга якдиллик билан қарор қилдилар. Шу корхоналарнинг коллективлари 22 апрель куни меҳнат унумдорлиги жиҳатидан рекорд даражага эришишга, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобидан ишлашга қарор қилдилар. Митингларнинг қатнашчилари зиммага олинган мажбуриятларни бажариш — Москва ишчиларининг шон-шараф иши эканлигини таъкидладилар.

Митингларда сўзга чиққан барча нотиқлар шанбалик куни совет кишилари беш йиллик вазифаларини адо этиш учун курашга яна муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бердилар.

(ТАСС мухбири).

МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети қабул қилган қарорда таъкидланадики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1977 йил планларини муваффақиятли бажарган ва 1978 йилда беш йилликнинг учинчи йили давлат планини муддатидан илгари бажариш, белгиланган топшириқдагидан ташқари 3 минг тонна цемент, 600 тонна металл, 1400 куб метр ёғоч-тахта, 3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 7,6 минг тонна шартли ёқилғи тежаш мажбуриятини олган «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Джизакстепстрой» бошқармаси ва В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг қимматли ташаббусини маъқуллади.

Область бинокорлари ва монтажчилари бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективлари моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича маълум ишларни амалга оширдилар. Фақатгина 1977 йилда деярли 13 минг тонна цемент, 3 минг куб метрдан ортиқ ёғоч-тахта, 1300 тонна шартли ёқилғи ва бошқа материаллар, турли буюмлар тежаб қолинди.

Бу соҳада, айниқса, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 160-трест ҳамда Эйвали бинокорлик материаллари комбинати коллективларининг иши мактовга лойиқдир.

160-қурилиш трести коллективи ўтган йили бош пудрат бўйича планни 100.8 процент қилиб адо этди, меҳнат унумдорлигини ошириш, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва саноат объектларини ишга туширишни топшириқларни ортиғи билан бажарди.

Барча объектлар «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилди. 1977 йил давомида трест коллективи 114 тонна металл, 730 тонна цемент, 1162 куб метр ёғоч-тахта, 156 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолди.

Эйвали бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида реализация қилинган маҳсулот ҳажми 1976 йилдагига нисбатан 1 миллион 32 минг сўмлик ортди, темир-бетон қувурлари ишлаб чиқариш бўйича линиянинг лойиҳадаги қуввати муддатидан уч ой илгари ўзлаштирилди. 56 минг сўмлик моддий ресурслар тежаб қолинди.

160-қурилиш трести, 94 механизациялашган кўчма колоннасининг коммунист К. Ганькин раҳбарлигидаги бригада ва Эйвали бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг арматурачиси В. Салин ташаббуси билан бу коллективларда тежамкорлик учун оммавий ҳаракат бошланиб кетди.

160-қурилиш трестида бракни, фойдасиз сарфлар ва хўжасизликни тугатиш бўйича курашаётган халқ контроли ва комсомол прожекторлари қатори бу курашда иштирок этувчи янги ташкилот формалари ҳам туғилди. Ишлаб чиқариш илғорлари, инженерлар, техникларни ўз составига бирлаштирган жамоатчи кенгашлар ва комиссиялар ташкил топди. Улар ўз участкалари, цехлари ва бригадаларида материаллар, ёқилғи ва хомашёни тежаб-тергаб ҳамда самарали фойдаланишнинг қўшимча резервларини қидириб топиш билан шуғулланади.

160-қурилиш трести ҳамда Эйвали бинокорлик материаллари комбинати коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш ҳақида партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига. Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мактубидан руҳланиб, Челябинск области партия ташкилоти, «Главзапстрой» ва «Саратовэнерго», «Джизакстепстрой» бошқармаси ва Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати меҳнаткашларидан намуна олиб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили давлат планини муддатидан илгари бажариш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

160-қурилиш коллективи 1978 йилда белгиланган топшириқдагидан ташқари 860 тонна цемент, 160 тонна металл, 1380 куб метр ёғоч-тахта тежаб қолишга қарор қилди.

Эйвали комбинати ходимлари 200 тонна цемент, 10 тонна пишиқ сим, 9 минг киловатт-соат электр энергияси, реализация фондининг ҳисоби билан 12 процент миқдордаги ёғоч-тахтани, 150 тонна ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолиш мажбуриятини олдилар.

Область партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил 28 декабрдаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Джизакстепстрой» бошқармаси ҳамда В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ташаббуси тўғрисида» ги қарорини раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилди.

Область партия комитети 160-қурилиш трести ва Эйвали бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили давлат планини муддатидан илгари бажариш ҳамда ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан рационал фойдаланиш юзасидан социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Чирчиқ шаҳар партия комитети, Оҳангарон район партия комитетига юқоридаги ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда юксак унумли меҳнат қилиш ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича топшириқларнинг амалда бажарилиши учун зарур шароитларни яратиб беришга қаратилган тадбирларни бирой ичида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди.

Шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига «Джизакстепстрой» бошқармаси, Янгиер комбинати, 160-қурилиш трести ҳамда Эйвали бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш, ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларни ирсоф бўлишлар ва фойдасиз сарфларни бартараф этиш учун, иқтисодий тежамкорлик учун кураш бўйича мусобақани ҳар томонлама авж олдиришга қаратиш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш, илғор коллективларнинг ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан рационал фойдаланиш юзасидан социалистик мажбуриятларини тарғиб қилиш, социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш таклиф этилди.

1918 1978

ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ПОСБОНИ

Генерал-майор В. РОДИН,
Қизил байроқли Туркистон Ҳарбий Округининг Ҳарбий кенгаши аъзоси, Сиёсий бошқарма бошлиғи

1978 йил 23 февралда совет халқи, СССР Қуролли Кучларини жангчилари, чет эллардаги дўстларимиз Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллигини тантанали суратда нишонлайдилар.

Улуғ Октябрь вужудга келтирган Советлар мамлакатининг Қуролли Кучлари қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Мана олтмиш йилдирки, улар совет халқининг социализм ва коммунизм қурилишидаги жаҳон шумул тарихий ғалабаларини ишончли равишда қўриқлаб келмоқдалар.

КПСС XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Қуролли Кучларини халқимиз тинч меҳнатининг посбони, умумий тинчликнинг таянчи деб атади. Чуқур маънога тўла ана шу сўзларда армиямиз ва флотимизнинг совет жамиятидаги ўрни ва ролига юксак баҳо берилди, уларнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари белгиланди.

Ўзининг вужудга келиши, жанговар қудрати ва социалистик Ватаннинг кўп сонли душманлари устидан қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабали туфайли Қуролли Кучларимиз ўзларининг доно ташкилотчиси, раҳбари ва ғоявий тарбиячиси бўлган Коммунистик партиядан миннатдордирлар. Совет Армиясининг қудрати, ғалабаларининг асосий манбаи, ўз конституцион бурчларини муваффақиятли бажаришининг ишончли гарови — партия раҳбарлигидадир.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия мамлакатнинг мудофаа қудратини кўз қорачиғидек сақлаб ва мустаҳкамлаб келмоқда, армия ва флотни социализм ғалабаларини химоя қилиш учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жаҳондаги миллионларча меҳнаткашлар Совет Қуролли Кучларининг куч-қудратини империалистларнинг агрессив интервентлар ва оқгвардиячиларнинг яхши ўқитилган ва қуролланган қўшинларига қарши дадил жангга ташланар ва улар устидан ғалаба қозонади. Қизил Армия жангчиларининг граждандар урушидаги қаҳрамонлиги тўғрисида кўплаб ҳужжатлар ва унинг қатнашчиларининг хотиралари далолат беради.

Қизил Армиянинг интервентлар ва оқгвардиячилар устидан қозонган ғалабаси Совет давлатининг халқаро ва ички аҳволини мустаҳкамлади, СССРда тинч социалистик қурилишни олиб боришга имконият туғдирди. У шунингдек бошқа мамлакатлар меҳнаткашларининг озодлик кураши учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Социализм капитализм кучларига қарши жангда дастлабки ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритди.

Давлатимизнинг граждандар урушидан кейинги ривожланиши империалистик мамлакатлар томонидан қилинадиган доимий ҳарбий хавф шароитида кечди. Қизил Армиянинг жанговар қудратини мустаҳкамлашда мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ленинча планларининг амалга оширилиши, маданий революцияни ўтказиш жуда катта аҳамиятга эга бўлди. 30-йилларда Коммунистик партия армия ва флотни техника жиҳатдан тўбдан реконструкция қилишни амалга ошириб, Қуролли Кучлар ўша вақтда энг янги бўлган ҳарбий техника билан таъминлаш учун фурсат ажратмади. Васвасага тушган революция душманлари Советлар ҳокимиятини бўғиб ташлашга шошилдилар. Германия капиталистлари Болтиқ денгизидан Қора денгизгача кенг фронт бўйлаб ёш Совет республикасига қарши ўз қўшинларини ҳужумга ташладилар. «Социалистик Ватан хавф остида!» — Ленин томонидан ёзилган ана шу декрет мурожаат ҳамма ерда наъра бўлиб янгради. Меҳнаткашларни оммавий равишда революцион кучлар қаторига сафарбар этиш авж олдириб юборилди. Қизил Армиянинг дастлабки тузилмалари Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун ўз ўқракларини қалқон этдилар. Псков, Таллин, Нарва остоналарида, Белоруссия ва Украинада душман биринчи марта ёш Қизил Армия жангчиларига дуч келиб, уларнинг ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини сақлаб қолишга бўлган маъноавий кучи ва букилмас иродасини тағин кўрдилар. «1918 йилнинг 18 дан 24 февралгача бўлган ҳафтаси, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — рус ва халқаро революция тарихига ғоят буюк тарихий бурилишлардан бири бўлиб киради».

Қизил Армияни барпо этиш ва Германия империалистлари қўшинларига қаршилик кўрсатишни ташкил қилишда бурилиш моменти бўлган ана шу воқеалар шарафига 23 февраль куни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни сифатида нишонланиб келади.

Партия раҳбарлик қилган халқнинг қаҳрамонона куч-ғайрати билан қисқа муддат ичида оммавий интизомли армия барпо этилиб, у 1918 йил майдаги 300 минг кишидан 1920 йил охирига бориб 5,5 миллион кишига етди.

Граждандар уруши қаҳрамонларининг жасорати афсонавийдир. Ҳали унча таълим олмаган ва қуролланмаган, лекин революция буюк ғоялари билан руҳланган қизил аскарлар интервентлар ва оқгвардиячиларнинг яхши ўқитилган ва қуролланган қўшинларига қарши дадил жангга ташланар ва улар устидан ғалаба қозонарди. Қизил Армия жангчиларининг граждандар урушидаги қаҳрамонлиги тўғрисида кўплаб ҳужжатлар ва унинг қатнашчиларининг хотиралари далолат беради.

Қизил Армиянинг интервентлар ва оқгвардиячилар устидан қозонган ғалабаси Совет давлатининг халқаро ва ички аҳволини мустаҳкамлади, СССРда тинч социалистик қурилишни олиб боришга имконият туғдирди. У шунингдек бошқа мамлакатлар меҳнаткашларининг озодлик кураши учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Социализм капитализм кучларига қарши жангда дастлабки ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритди.

Давлатимизнинг граждандар урушидан кейинги ривожланиши империалистик мамлакатлар томонидан қилинадиган доимий ҳарбий хавф шароитида кечди. Қизил Армиянинг жанговар қудратини мустаҳкамлашда мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ленинча планларининг амалга оширилиши, маданий революцияни ўтказиш жуда катта аҳамиятга эга бўлди. 30-йилларда Коммунистик партия армия ва флотни техника жиҳатдан тўбдан реконструкция қилишни амалга ошириб, Қуролли Кучлар ўша вақтда энг янги бўлган ҳарбий техника наъмуналари билан таъмин этилди. Қўшинларнинг янги турлари — авиация, бронетанк, химия, инженерлик ва бошқа махсус қўшинлар вужудга келтирилди.

Ҳирқ техниканинг ўзи мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш вазифасини ҳал қила олмас эди. Ана шу техникани мукаммал биладиган кишилар керак эди. Янги жанговар техникани эгаллаш учун олиб борилган ҳаракатга армия ва флотдаги партия ва комсомол ташкилотлари бошчилик қилди. Бу йилларда ҳам илгаригидек комсомол армия ва флотнинг энг содиқ дўсти бўлди. 1931 йилда Ленин комсомоли Ҳарбий-Ҳаво Кучлари устидан оталиқ қилди. 1934 ва 1935 йиллар давомида бир ярим миллиондан ортиқ йигит ва қиз моторни ўрганиш бўйича, 2 миллион киши — ҳаво ҳужумига, химиявий ҳужумга қарши мудофаа ҳамда топография бўйича нормани топширди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати келажакдаги синовларни олдиндан кўриб мамлакатни ана шу синовларга тайёрлаш юзасидан жуда катта иш қилдилар. 1939 йилда Қизил Армия қўшинлар тузилишининг кадр системасига тўлатўкис ўтказилди. 1937 йилдан 1940 йилгача Қуролли Кучлар сони уч баравар кўпайиб, 1941 йил январига келиб 4 миллион кишидан ошиб кетди.

Коммунистик партиянинг жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик иши туфайли Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушининг бошланишида қудратли ҳарбий кучга эга бўлган эди.

Уруш 1941 йилнинг 22 июнида фашистлар Германиясининг СССРга ваҳшийларча ҳужуми билан бошланди. Душман мамлакатимизга тарҳида мисли кўрилмаган жуда катта куч билан — умумий сони 5,5 миллион кишидан иборат 190 дивизия, 3700 дан ортиқ танк, 5000 га яқин самолёт, қарийб 48000 тўп ва миномётлар билан ёпирилиб кирди.

Гитлерчилар Германиясининг СССРга қўққисдан қилган ҳужуми туфайли вужудга келган ғоят катта қийинчиликларга қарамай, жангларнинг дастлабки кунлари ва ҳафтасидаёқ совет қўшинлари фашистларга қарши шундай жиддий зарбаларни бердиларки, бундай зарбани улар ғарбда ҳеч қаерда учратмаган эдилар. Қамалда қолган Брест қалъасининг солдатлари жонни аямай жанг қилдилар. Ленинград, Одесса, Севастополь ҳимоячилари фашист дивизияларини яксон қилдилар. Бутун совет халқи манфур душманга қарши бир жон-бир тан бўлиб оёққа турди.

1941 йил кузида Москва остоналарида фашистларнинг тор-мор қилиниши Улуғ Ватан урушининг биринчи йилидаги ҳал қилувчи воқеа бўлди. Совет қўшинлари сўнгра активликни янада авж олдириб, ўз зарбаларини кучайтириб бордилар. Немис-фашист армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсона чиппакка чиқди.

Урушнинг шундан кейинги бутун бориши совет халқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари қудратининг нақадар енгилмаслигини исботлади. Сталинград ва Курск остоналаридаги, Шимолий Кавказ ва Днепрдаги, Украина ўнг қирғоғи ва Белоруссиядаги, шунингдек бошқа жойлардаги буюк жанглар, шу жумладан Берлинга қилинган зафарли ҳужум ва Прагани озод қилиш Совет Қуролли Кучларининг қақшатғич зарбаларига бардош бера оладиган ҳеч қандай куч йўқ эканлигини кўрсатди.

Улуғ Ватан урушидаги ғалабамизнинг асосий ижодкори — совет халқи бўлди. Бу ғалаба Октябрь вужудга келтирган янги ижтимоий ва давлат тузуми, социалистик экономика, марксизм-ленинизм идеологияси, совет жамияти маънавий-сиёсий бирлиги, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг тантанаси бўлди.

Улуғ Ватан урушидаги ғалабага Совет Ўзбекистонининг вакиллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун ўзбекистонликлардан 120 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланди, 280 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ўзбекистоннинг шонли фарзандлари Собир Раҳимов, Тўйчи Эрйигитов, Қудрат Суюнов, Мамадали Тоиболдиевнинг номлари халқ қотирасида абадий сақланиб қолди.

Ғарбдаги давлатларнинг таъсирли доиралари жаҳонинг бир қатор районларида портлаш хавфини тўғдирувчи вазиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб ва кучайтириб, кўпгина давлатларнинг ички ишларига доимо аралашиб келмоқдалар, демократия, илғор кучларга қарши террорни кучайтирмоқдалар. Империализмнинг энг реакцион ва агрессив доиралари билан ҳозирги Хитой раҳбарлари ҳам биргаликда ҳаракат қилмоқда, мамлакатни милитаризациялаш, антисоветизм талвасасига тушиб, ўз халқи учун хавфли бўлган, халқаро вазиятни соғломлаштиришга қарши қаратилган йўлни ўтказмоқда.

Агрессив империалистик доиралар қуролланиш пойгасини авж олдиришга, янги, янада ўткирроқ оммавий қирғин қуролларини яратиш учун бузиқ ҳам янада юқори бўлган маблағ ажратишни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, 1977 йилда Америкининг ҳарбий харажатлари 113 миллиард доллари ташкил қилди. ГФР, Англия ва империалистик НАТО блокидаги бошқа мамлакатларнинг ҳарбий бюджетлари ҳам ортиб бормоқда. АҚШда янги турдаги қуроллар — қанотли ракеталар, М-Х маркали қитъаларо баллистик ракеталар, «Трайдент» системасидаги сув ости кемалари, нейтрон бомбалар, лазер нурли қуролларни ишлаб чиқиш авж олдирилмоқда. Бундай шароитда биз ҳамиша хушёр бўлишимиз, Совет Қуролли Кучларининг жанговар тайёрлигини, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини тинмай оширишимиз шарт.

Партиямиз раҳбарлиги — СССР Қуролли Кучлари енгилмас куч-қудратининг асосий манбаидир. КПССнинг синалган раҳбарлиги остида кейинги йилларда совет ҳарбий фанининг асосий йўналишлари янада ривож топди, ҳарбий назариянинг кўпгина муҳим проблемалари, армия ва флотни замонавий қурол-лроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш масалалари муваффақиятли ҳал қилинди. Партиянинг ҳарбий қурилишга раҳбарлиги Қуролли Кучларнинг ташкилий структурасини такомиллаштиришда ўз ифодасини топмоқда. КПСС юксак малакали, ғоявий чиниққан ҳарбий кадрларни тарбиялашга раҳбарлик қилмоқда. «Коммунистик партиянинг кундалик ғамхўрлиги туфайли, — деб қайд қилди КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳозирги вақтда етарли жанговар қудратга эгадир. Улар ҳаёт, жанговар ўқиш ва ўз олдиларида турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан тўла даражада таъминланган».

Урушдан кейинги йиллар ичида Қуролли Кучларимизнинг барча турлари янада ривож топди.

Стратегик мақсадларга мўлжалланган ракета қўшинлари ўз моҳияти билан ғоят қудратли жанговар кучни ташкил этади. Қуруқликда ҳаракат қилувчи қўшинларимиз жанговар баркамолликнинг янги марраларига қўтарилдилар. Улар мураккаб техника ва биринчи даражадаги қурол-яроғларга эгадирлар. Ҳаво-десант қўшинлари тобора такомиллашиб бормоқда. Улар ўзларининг қуролланганлиги, техника жиҳатдан таъминланганлиги, тузилиши ва тайёргарлиги жиҳатидан замонавий урушда турли-туман вазифаларни бажара оладилар.

Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари совет осмонини кечаю кундуз сергаклик билан қўриқлаб турибди. Улар амалда ҳаводан қилинадиган ҳужумнинг ҳар қандай воситаларини ҳам даҳол даф эта оладилар. Уларнинг ихтиёрида юксак самарали зенит ракета ва авиация комплекслари, замонавий радиолокация станциялари, автоматлашган бошқарув системалари ва алоқа воситалари мавжуддир.

Бизнинг ҳозирги Ҳарбий-Ҳаво кучларимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам бирдек ҳаракат қила олади. Улар ихтиёридаги авиация техникаси товушдан ҳам тез ва стратосфера баландлигида учиш қобилиятига эга бўлиб, кучли ракета-тўп қуроллари ва замонавий радиоэлектрон асбоб-ускуналари билан таъминланган.

Шундай қилиб, Совет Армиясида Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун барча имконият мавжуд. Лекин армия ва флотимизнинг куч-қудрати фақат замонавий қурол-яроғлардагина эмас, албатта. Унинг асосини ана шу қурол-яроғ ва жанговар техникани яхши эгаллаб олган кишилар ташкил этади. Кейинги йилларда армия ва флотда шахсий составни ғоявий чиниқтириш, ўқитиш ва тарбиялаш, уни маънавий-сиёсий ва психологик жиҳатдан тайёрлаш юзасидан анча иш қилинди.

Ўзбекистон ССРда ҳам ёшларни Қуролли Кучларимиздаги хизматга тайёрлаш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати армияга борадиган ёшларга мактабларда, олий ўқув юртларида, ДОСААФ ташкилотларида ва саноат корхоналарининг ўқув пунктларида ҳарбий таълим бериш масалаларини доимо ўз диққат марказларида тутадилар. Ҳамма жойда бошланғич ҳарбий таълим бўйича кабинетлар ва синфлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг моддий-техника базаси яхшиланди. Ҳарбий таълим раҳбарлари ва ҳарбий фандан дарс берадиган ўқитувчиларни танлашда ҳам анча ютуқларга эришилди.

Туркистонлик жангчилар билан маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, республикаларнинг ижодий союзлари ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Биз республикадаги партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг ғамхўрлигини доимо сезиб турамиз. Ана шу ғамхўрлик туфайли жангчиларнинг нормал ўқиши ва хизмат қилиши учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Бизда обод ва қулай ҳарбий шаҳарчалар, ўқув корпуслари ва турар жойлар, маданият муассасалари, спорт комплекслари ва дам олиш зоналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси туркистонлик жангчиларда юксак жанговар кайфиятни, жанговар ва сиёсий тайёргарликда аъло ва яхши натижага эришиш учун қунт билан ҳаракат қилиш иштиёқини тутдиради.

Совет Қуролли Кучларининг олтмиш йиллигини округ солдатлари, сержантлари, прапорщиклари, офицер ва генераллари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини байрам қилиш, СССР янги Конституциясининг қабул этилиши муносабати билан вужудга келган юксак сиёсий ва меҳнат қўтаринкилиги вазиятида, совет кишилари ўнинчи беш йилликнинг икки йили планларини муваффақиятли бажарган бир вазиятда кутиб олмоқдалар.

Ҳарбий коллективларнинг Қуролли Кучлар юбилейи олдидан аниқ мақсадни кўзлаб, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан олиб борган ишлари жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак натижалар билан якунланди.

Ҳар бир ўқув соати, куни, ҳар бир ўқув ҳафтасини аъло даражада якунлаш учун мусобақалашаётганларнинг биринчи сафларида коммунистлар ва комсомоллар бормоқда.

Революция жангчилари, граждандар ва Улуғ Ватан урушлари қаҳрамонларининг жасорати, кекса авлодларнинг қаҳрамонона традициялари қисм ва бўлинмаларимиз жангчилари учун битмас-туганмас илҳом манбаидир. Уларнинг революцион идеалларга, ҳарбий қасамёдга содиқлиги фидокорона жанговар меҳнатларида, жанговар тайёргарликни ошириш учун курашларида, сўнмас ҳушёрликлари, мустаҳкам интизом ва уюшқоқликларида намоён бўлмоқда. Ўзларининг ватанпарварлик ишлари, ҳарбий бурчни ҳалол бажаришлари билан ҳозирги социалистик Ватан ҳимоячилари коммунизм иши учун курашчилар авлодларининг бузилмас бирлигини исботлаб, Октябрь Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда вужудга келган шонли традицияларни кўпайтирмоқдалар.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ» журналининг февраль сонидан.



КАЛИНИН РАЙОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга, моллар ва паррандаларнинг бош сонини ва маҳсулдорлигини кўпайтиришга эришдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорига, шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида баён қилинган қонда ва хулосаларга амал қилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубига жавобан район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга қарор қилдилар.

Партиянинг аграр сиёсатини ҳаётга тадбиқ қила бориб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр саноат интеграцияси базасида концентрациялаш ва ихтисослаштиришни изчиллик билан амалга ошириб, колхоз ва давлат хўжаликларида камида 86,0 минг тонна ассортиментдаги сабзавот, 13,0 минг тонна картошка, 6,0 минг тонна мева, 5,5 минг тонна қовун-тарвуз, 4,9 минг тонна узум, 8,5 минг тонна дон, тирик вазнда 4,4 минг тонна гўшт, 10,0 минг тонна сут, 65 миллион дона тухум, 110 тонна жун етиштириш таъминланади.

Барча категориядаги хўжаликларда давлатга камида 90,0 минг тонна ассортиментдаги сабзавот, 8,5 минг тонна картошка, 3,2 минг тонна қовун-тарвуз, 5,5 минг тонна мева, 4,5 минг тонна узум, тирик вазнда 4,0 минг тонна гўшт, 8,0 минг тонна сут, 54 миллион дона тухум, 110,0 тонна жун, 125,0 тонна пилла ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотилади.

Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум тайёрлаш йиллик ҳажми 7 октябргача — СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига бажарилади.

Деҳқончилик барча турлари бўйича ўнинчи беш йиллик учинчи йили социалистик мажбуриятлари Улуғ Октябрнинг 61 йиллигига бажарилади.

Алмашлаб экишни планли равишда жорий қилиш, ер-сув ресурсларидан, минерал ўғитлардан, гербицидлардан ва бошқа моддий-техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини узлуксиз юксалтириб бориш асосида ҳар гектар майдондан 245 центнердан сабзавот, 140 центнердан картошка, 230 центнердан қовун-тарвуз, 70 центнердан мева, 90 центнердан узум, 100 центнердан маккажўхори дони ҳосили олинади. Колхоз ва совхозлар, бригада ва звенолар 1 ўртасида далаларга «Сифат белгиси» олиш учун, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ва картошкани бегона ўтсиз парваришлаш учун социалистик мусобақа ташкил қилинади.

Сабзавотчилик ва картошкачиликка техника тараққиётини жорий қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Картошкани экиш, қатор ораларга ишлов бериш 100 процент, картошка ҳосилини йиғиштириб олиш 80 процент, сабзавот экинларини экиш ва ўтказиш 65 процент, уларнинг қатор ораларига ишлов бериш 70 процент, сабзавот экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш 30 процент, боғ ва узумзорлар, шунингдек полиз экинлари қатор ораларига ишлов бериш 100 процент механизациялаштирилади.

Бегона ўтларга қарши кураш учун сабзавот экилган майдонларнинг 70 процентига гербицидлар қўлланилади.

Ҳосилдорликни ошириш ва сабзавот маҳсулотлари сифатини яхшилаш мақсадида барча колхоз ва совхозларда йил давомида маҳаллий ўғит жамғариш ишлари ташкил қилинади.

Теплицадан фойдаланиш самарадорлиги оширилади ва ҳар квадрат метр майдондан камида 15 килограммдан сабзавот маҳсулотлари олинади. 2,6 минг гектар майдонга эртаги сабзавот экилади, шу жумладан, 300 гектар майдонда бу маҳсулотлар полиэтилен плёнкаси остида етиштирилади.

Чиноз райони чорвадорлари ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаб, мол ва паррандаларнинг бош сони ҳамда маҳсулдорлигини янада оширишга эришилади.

Корамоллар сони 11450 бошга, шу жумладан сигирлар сони 1977 йилга нисбатан 23 процентга кўпайтирилади ва 3,6 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 15 процентга кўпайтириб, 54 минг бошга, чўчқалар сони 8,3 минг бошга, паррандалар сони 800 минг бошга, шу жумладан товуқлар сони 38 процентга кўпайтириб, 393 минг бошга етказилади.

Ҳар бир сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олинади. Давлатга топириладиган қорамолларнинг тирик вазни 460 килограммга, қўй ва эчкилар вазни 50 килограммга, чўчқалар вазни 110 килограммга етказилади. Ҳар бир товуқдан камида 208 тадан тухум, ҳар бир қўйдан 2,3 килограммдан жун, ҳар қути қурт уруғидан 62 килограммдан пилла олинади.

Молларни кўпайтириш, наслчилик ва зооветеринария ишлари яхшиланади. Ҳар юз бош сигир ва икки ёшдан катта ғунажиндарлардан 90 тадан бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2500 тадан чўчка боласи, ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олинади.

Чорвачиликнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш таъминланади. Озуқа экинларини оралиқ, аралаш ва такрор экиш кенг қўлланилади. Ҳар гектар майдондан 500 центнердан маккажўхори кўкпояси, 190 центнердан беда хашаги, 600 центнердан илдизмевали озуқалар олинади.

39 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 19,0 минг тонна сеналаж, 20,0 минг тонна беда хашаги ва табиий ўт, 37,0 минг тонна силос, 13,0 минг тонна илдизмевали озуқа жамғарилади. Ем-хашак тайёрлаш цехлари, ем-хашак майдалаш техникаси қувватларидан юқори унум билан фойдаланилади. 1,7 минг тонна витаминли ўт уни, 2,0 минг тонна ғарнулланган ва брикетланган озуқа ишлаб чиқарилади.

Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари оммасининг ижодий активлигини ортириш, фан ва техника тараққиётини жорий қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш эвазига давлатга дон, сабзавот, мева топириш беш йиллик планини тўрт йилда, картошка, қовун-тарвуз, гўшт, сут, жун топириш планларини эса тўрт ярим йилда бажариш учун куч ғайратларини аямайдилар.

Социалистик мажбурият район қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг қурултойида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАКТАБИДА

Область партия комитети қошидаги журналист маҳорати мактабида навбатдаги машғулотлар бўлиб ўтди. «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ходимлари ва оммавий ишлар бўлимининг мудири А. Мирзаҳмедов меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлаш ҳақида доклад қилди. Район газеталари материалларининг таҳрири бўйича ТошДУ журналистика факультетининг доценти, филология фанлари кандидати Ф. Насриддинов лекция ўқиди.

Машғулотлар сўнггида тингловчилар штатсиз авторлар билан ишлаш бўйича тажриба алмашдилар.

СКАУДВИЛИДАГИ ЖАСОРАТ

ЛИТВАНИНГ Скаудвили шаҳридаги қардошлик қабристонини ҳар куни юзлаб одам зиёрат қилиб гулчамбарлар қўяди. Мозорда ажойиб қаҳрамонлик кўрсатиб мардларча ҳалок бўлган тошкентлик ўқитувчи, коммунист Умар Жамиловга қўйилган алоҳида ёдгорлик ҳам бор...

Маҳфуза опа тиқ этса эшикка қараб умр йўлдошининг йўлига кўз тикарди. У қадрдонининг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги «қора хат»ни олганда ҳам умидсизликка тушмади. Унинг назарида Умаржон эшикдан қучоқ очиб кириб келаётгандек бўларди.

«Қадрли вафодорим Маҳфуза! Уруш тугаш арафасида турибди. Мана 4 йилдирки юзлаб шаҳар ва қишлоқларни немис-фашист босқинчиларидан озод қилдик. Душманнинг кўп кучларини тор-мор келтирдик. Ҳозир сўнгги жанглар фашистларнинг ўз ерида давом этмоқда. Ғалаба кунлари, албатта, яқин. Тез кунларда дийдор кўришиб қолармиз. Ҳайр, мен учун Шоҳида ва Дилшодни ўпиб қўй. Кўришгунча ҳайр. Умаржон».

Афсуски, бу мактуб Умар Жамиловнинг сўнгги хати эди. Умар Жамилов ўз меҳнат фаолиятини 1928 йилдан бошлади. У 1930 йилда КПСС сафига кирди. 1935 йилдан бошлаб Тошкентдаги В. И. Ленинг номли педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. [Ушбу сатрлар автори 1936—1939 йилларда ҳурматли устоз Умар ака қўлида ўқиган].

Умар Жамилов Улуғ Ватан уруши бошланиши билан биринчилар қаторида фронтга отланди. У фронтнинг энг оғир участкаларида иштирок этди. Сталинград жангида, Крим операцияларида, Болтиқ бўйи фронтида ўз зиммасига олган жанговар топшириқларни шараф билан бажарди. Младший лейтенант даражасига кўтарилган Умар Жамилов Литва ССРнинг Скаудвили шаҳрини душмандан озод қилишда кўрсатган жасорати учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Скаудвили шаҳри озод қилинган бўлса-да, аммо душманнинг айғоқчилари ҳамон шаҳар атрофида яшириниб юрар эди.

1945 йил 23 февраль. Душманнинг бир тўда айғоқчилари ва сотқинлар гуруҳи кечаси штабга ҳужум қилдилар. Умаржон бошлиқ жангчилар тунги душманга қарши жанг олиб борди, штабни ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Умар Жамилов ўлимидан сўнг штабни ҳимоя қилишда қаҳрамонлик кўрсатгани учун I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Ўша вақтда бу хабар Умар ака оиласи бошига оғир мусибат бўлиб тушди. Маҳфуза опа умр йўлдоши йўлига умид билан кўз тикиб, қизи Шоҳида ва ўғли Дилшодни бағрига босиб катта қилди. Шоҳида ҳозир «Узгипросельстрой» институтига директорлик қилмоқда. Ўғли Дилшод Жамилов 1953 йилда Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва 24-ўрта мактабни тугатгач, у ҳам Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетига кириб ўқишни давом эттирди. Тақдирни қарангки, устозим Умаржон аканинг ўғли Дилшодга 24-мактабда дарс бериш шарафига муяссар бўлдим. У ҳозир «Главташкентстрой»нинг 53-қурилиш трестида бош инженер бўлиб ишламоқда.

Улуғ Ғалабанинг 30 йиллиги кунида Дилшод отаси ҳақида аниқ маълумот олиш учун Скаудвили шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиларига мактуб йўллади. Мактубга жавоб келди.

«...Умар Жамилов ҳақиқатан ҳам 1945 йил 23 февралга ўтар кечаси ҳалок бўлган. У мактаб олдидаги тепаликка дафн этилган. Лекин 1965 йилда Улуғ ғалабанинг 20 йиллиги кунида Скаудвили шаҳар Советининг қарорига асосан лейтенант Умар Жамилов ва унинг қуролдош дўстлари лейтенант Геннадий Николаевич Иванов, гвардиячи капитан Поляков, ефрейтор Маҳмуд Муҳаммаджонович Алимов каби ватандошларимизнинг жасади у ердан олиниб, шаҳримиздаги «Ўртоқлар мозори»га дафн этилган ва алоҳида ёдгорлик ўрнатилган...».

Юқоридаги аниқ маълумотни олган Дилшод ўтган йили опаси Маҳфуза опа ва Шоҳида опаси билан Скаудвили шаҳрига бориб, оталари қабрини зиёрат қилишди. Умар Жамилов ва бошқа қаҳрамонларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйган литвалик дўстларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришди.

Ҳамидулла ИУЛДОШЕВ,
133-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси.

ПАРТИЯ ҒОЯСИ, ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

ҲАР ҚАНДАЙ РЕВОЛЮЦИЯ УЗИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛГАНДАГИНА ҚИММАТЛИДИР.

В. И. ЛЕНИН.

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул—тарихий ғалабаси ер юзидаги эксплуататорларнинг ғазабини уйғотди ва нафратини қучайтириб юборди. АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония ва бошқа капиталистик мамлакатларнинг империалистлари қор Россиянинг мағлубиятга учраган контрреволюцион кучлари билан қўшилган ҳолда ёш Совет республикасини йўқ қилиб ташлашга уриндилар. Бундай шароитда Коммунистик партия, улуғ Ленин янги армияни, озодликка эришган ишчи ва деҳқонлар армиясини барпо этишга киришдилар. Бутунжаҳон тарихида бу армиянинг тиғи биринчи марта меҳнат аҳлига эмас, балки уни ҳимоя қилишга, меҳнаткашлар ғалабаларини қўриқлашга, бошқаларнинг ерларини босиб олишга эмас, балки жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ҳимоясига қаратилган эди.

Совет Қуролли Кучларининг ташкил топишида халқ Комиссарлари Советининг Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясини барпо этиш тўғрисидаги 1918 йилнинг 28 январидаги ҳамда Ишчи-Деҳқон Қизил Флотини ташкил қилиш тўғрисидаги 1918 йилнинг 11 февралидаги декретлари асос бўлган эди.

1918 йилнинг 21 февралида Халқ Комиссарлари Совети В. И. Ленин томонидан ёзилган «Социалистик Ватан хавф остида!» деган декрет чақириғи билан меҳнаткашларга мурожаат қилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг даъвати меҳнаткашлар оммаси орасида революцион ғайрат-шижоатни қучайтириб юборди. Мамлакатда аслини олганда революцион кучларни ёппасига душманга қарши сафарбар этиш бошлаб юборилди. 23 февралда Петроградда, Москва ва бошқа шаҳарларда меҳнаткашларнинг митинглари бўлиб ўтди. Петроград Совети 23 февраль кунини «Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш куни» деб эълон қилди. Қизил Армия сафига ўша кунлари ўн мингдаб ишчилар ва собиқ армия хизматидан қутилган солдатлар кўнгилли бўлиб ёзила бошладилар. Қизил Армиянинг барпо этила бошланган отряд ва полклари душманга қарши жанг қилиб, Улуғ Октябрь ғалабаларини қаҳрамонона ҳимоя қилдилар.

Революцион кучларнинг социалистик Ватан ҳимояси учун оммавий равишда сафарбар этилишининг бошланиши, шунингдек Қизил Армия отрядларининг герман босқинчиларига қарши кўрсатган мардонавор кураши шарафига 23 февраль куни Совет ҳукуматининг қарорига биноан Қизил Армия куни деб эълон қилинди.

Революцияни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда кўрсатган оммавий қаҳрамонликлари учун 335 та қисм ва қўшилмалар Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ордени ва фахрий революцион Қизил Байроқлари билан мукофотландилар, Гражданлар урушининг 15 мингдан кўпроқ қаҳрамонлари Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлдилар.

Халқаро империализм ва ички контрреволюция бирлашган кучларининг тор-мор келтирилиши Советлар мамлакатига тинч социалистик қурилиш йўлига ўтиш имконини берди.

«Плакат» нашриёти «Тинчлик ва меҳнатни қўриқлаб» номи остида рассомларнинг бир қатор асарларини босиб чиқарди. Суратларда: П. Казаков ва В. Прохоровларнинг «Партия ғояси, Ленин даҳоси билан» (юқорида) ва «Советлар республикасини ҳимоя қилиб» деб номланган плакатларидан фоторепродукция.

ТАСС фотохроникаси.

МОСКВАДАН БЕРЛИНГАЧА

СУННАТ Раҳимжонов Ватан бошига ташвиш тушганда тенгдошлари қаторидаги юрт ҳимоясига отланди. У Москва яқинида жанг қилиш сир-асрорларини ўрганганч, 340-запас полк сафида пойтахт ҳимоясида, Сталинград остоналарида мардонавор жанг қилди. Волга бўйидаги қақшатғич жанглардан бирида у қаттиқ яраланиб, госпиталга тушиб қолди. Даволаниб чиққандан кейин С. Раҳимжонов то Берлингача жанг қилиб борди. Уч марта жиддий жароҳатланди. Жанговар мукофотлар олди.

Раҳимжонов ҳарбий хизматдан қайтиб, жонажон Тошкентга келди. У аввалига давлат автомобиль инспекциясида хизмат қилди. Ҳозирда эса у Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимининг қоровуллик хизмати бўлинмасида ишламоқда. Уруш ветерани жамоат тартибини сақлашда, умумхалқ мулкини кўнгли эгри шахслардан муҳофаза қилишда худди фронтдагидек принципиаллик билан иштирок этмоқда. Бир неча марта шаҳар ички ишлар бошқармасининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлди.

Ветеран отахон ўз фарзандларини ҳам халққа ҳалол хизмат қилиш, юрт бойлигига бойлик қўшиш руҳида тарбиялаяпти. Унинг икки ўғли армия хизматини ўтаб қайтишган. Ҳозир учинчи ўғли Лутфулла Закавказье ҳарбий округида йигитлик бурчини ўтамоқда.

Куни кеча Суннат Раҳимжонов солдат ўғлидан байрам табрикномаси олди. Байрамингиз муборак бўлсин!

М. ЗАРИПОВ.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент халқ хўжалиги институтида Совет Армиясининг 60 йиллигига бағишлаб Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрти педагогларидан уруш қатнашчилари иқтисодий география кафедрасининг доценти Муқсимов, фалсафа фанлари кандидати Эрбўтаев ва бошқа ўртоқлар студентларга фронт эпизодларидан ҳикоя қилиб бердилар.

Институтда юбилейга қизғин тайёргарлик кетмоқда. Шу санага бағишланган тантанали кечалар, учрашувларда олий ўқув юрти коллективи актив қатнашмоқда. Ҳар бир факультетда студентлар байрамни муносиб кутиб олишга тараддуд кўриб турли мавзуларда фотокўргазмалар, деворий газеталар чиқаришмоқда.

Ҳ. ФАЙЗИЕВ.

МАРДУ МАЙДОН

ОТСТАВКАДАГИ полковник, Ҳайдар Ҳамидовнинг ёшлик йиллари Қизилтепа станциясида ўтди. У меҳрибон рус оиласида тарбияланиб, қизил аскар бўлди. Шарқий Бухорода Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун босмачиларга қарши курашди. Бутун ҳаётини Ватан мудофаасига бағишлаган Ҳайдар Ҳамидов урушгача Ватанимиз жанубий чегараларида застава командири, улуғ Ватан уруши йилларида гвардиячи полк командири бўлиб, немис-фашист босқинчиларга қарши қаҳрамонларча курашди. У Ленин ордени, Александр Невский ордени, тўрт марта Жанговар Қизил Байроқ ва бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган.

Ҳарбий ёзувчи, А. А. Фадеев мукофотининг лауреати Адҳам Раҳмат Ҳайдар Ҳамидовнинг жанговар ҳаёти ҳақида «Марди майдон» номли повесть ёзиб тамомлади. Биз шу повестнинг биринчи қисмидан парчалар эълон қиламиз.

Қиш барча довон ва сўқмоқларни қор билан кўмиб ташлади. Кичикроқ паст-баландликлар ҳам текисланиб кетди. Жарликлар ҳам илгаригидек чуқур кўринмас, қияликлар ҳам негадир энди ториқлик тик кўринмас, қояларнинг ўткир чўққилари ҳам пасайиб қолгандек. Чор-атроф оппоқ. Тунда осмондаги юлдузлар ҳам совуқдан титраётгандек энг юксак заставага тушиб, инсон қалб қўридан иссиқлик излагандек туюларди.

Чегарада ҳамма нарса тинчиб қолган. Босмачи тўдаларининг нариги ёқда қишламоқда. Фақат, баъзан оила аъзолари бу томонда қолган айрим босмачи йигитлари чегарани бузиб ўтиб қоларди. Баъзан эса эски, жулдур кийим кийиб, ўзларини фақир-бечора, у томондан қочиб ўтаётган киши деб эълон қилиб инглиз разведкаси юбораётган жосуслар ҳам қадам ранжида қилиб, ўз оёғи билан тузоққа илинарди. Ҳамон, чегаранинг нариги томонида Урта Осиё инглиз мустамлакаси бўлади, деб хом хаёл сураётганлар, ниятларига етолмай, кўкракларини захга бериб, нажот истаб ётардилар.

Бирдан тоғдаги довон чегара постидан от изи топилгани ҳақида хабар келди. Кечаси кимдир чегарадан ўтипти. Изларнинг чуқур эканлигига қараганда улар бир киши бўлмаса керак. От изини ўз кўзи билан кўриш учун Ҳайдар довочга отланаётган эди, кўчманчи овулдан бошқа хабар келиб қолди. Икки ошиқ-маъшуқ ота-оналарининг таъқибидан қўрқиб, бу ёққа қочиб ўтган эмишлар. Улар бир-бирини севиб қолишган экан. Ҳатто, ҳамма нарсага одатланиб қолган тоғликлар ҳам қочқинларнинг довюраклигига қойил қолишди. Бунақа пайтда ё муҳтожлик ёки оғир кулфат бундай хавфли қор босган тоғ йўлларидан ўтиб келишга мажбур қилади...

Овулдан хабар топиб келган йигит, ёш, комсомол Боймирзанинг айтишича, у ёқдан ўтган йигит жуда уятчан, лекин қиз ўт-олов. Маълум бўлишича йигит эмас, қизнинг ўзи йўлдан урган бўлса керак. Қариялар ҳам, бизнинг овулга келиш фикри ҳойнаҳой қиздан чиққан бўлса керак дейишмоқда. Чунки уларнинг турар жойини ҳеч ким билмайди. Қиз овул совет раиси Бекмирзадан уларни янгичасига, совет тартиби бўйича никоҳлаб қўйишни сўрабди. Чунки қиз комсомол аъзоси эмиш, унинг хуштори ҳам энди комсомолга кирармиш.

— Қизнинг комсомол билети бор эканми? Сизга кўрсатдими?— деб сўради Ҳайдар Боймирзадан.

— Йўқ экан, — деб жавоб қайтарди Боймирза.

— Билет олишга улгурмаган экан. Куёвни қидириб, топиб чегарадан ўтишиб келаверган экан.

— Демак чегарани икки марта бузиб ўтибди-да.

— Шундай.

Ҳайдар билан Боймирза отлари жиловини бўш қўйиб, секин боришарди. Тоғ отлари жуда ақлли бўлади. Улар туёқ билан заминни титкилаб, синаб кўраётгандек оҳиста оёқ кўядилар. Бари бир баъзан тийғаниб ҳам кетишади. Сўқмоқнинг энг тор жойида улар отларини ўз ихтиёрига қўйиб, унинг думидан ушлаб юқори кўтарила бошладилар.

Ёзда уч соат йўл босадиган жойга кун бўйи юришга тўғри келди. Улар овулга кириб борганларида чўққининг қоқ учи қизариб турарди, холос. Бекмирзанинг ўтови ҳам овулсовет, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтарди. Қочоқлар нариги ўтовда экан. Қизил гулли қул ранг наматни кўтариб, иссиққина ўтовнинг ичкарисига киришди.

Уй бекаси ўрнидан дик этиб туриб, чироқни ёқди. Унинг эри эса ўрнидан оҳиста туриб, келганлар билан қўл бериб кўришди. Ҳайдарга тўрдан, сандиқнинг ёнидан жой кўрсатди, ўтиришгач дастлаб унга чой узатди. Бир оздан кейин Ҳайдар иссиқ ўтди шакилли атрофга бир-бир қараб чиқди. Кичкинагина керосин чироқ ўтовни унча яхши ёритмас, шунинг учун ўтиргانларни ҳам таниб, ҳам танимасди.

— О, мард ўғлон, ўрток командир,— деган таниш ва ёқимли овозни эшитиб, Ҳайдарнинг юраги аллақандай бўлиб кетди...

Оппоқ садафдек тишлар, ўчоқдаги олов нурида ялтилдаб турган нигоҳлар унга таниш эди.

— Ойқизмисан? — деб юраги ҳовлиқиб кетди унинг.

Ўтовдагилар жимиб қолишди. Ҳайдар эса қувончини яширолмасди.

— Қаёққа ғойиб бўлган эдингиз, Ойқиз, ойдин қиз? Сизни роса изладим.

—... ва топа олмадингиз? деб унинг сўзини тугатди қиз.

— Ҳа, ҳа топа олмадим, — деди Ҳайдар маъюс. — Қаёқда эдингиз?

Қиз елкасини учириб қўйди.

—У тарафда яхши, куёвбоп йигит бор эди, ўртоқ командир ўшани излаб охири топиб келдим.

Ўтов бекаси намунча бетга чопар бўлмаса, шармандаликку, дегандек уҳ тортиб юборди. Ҳатто эркин қирғиз аёли учун ҳам бу ўта янгилик эди.

Йигитлар қизни олиб қочиш воқеалари баъзан учраб туради. Лекин қизларнинг йигитларни олиб қочишганини биринчи эшитишим.

— Вой худойим-ай, — ахир нима фарқи бор?! — деди Ойқиз.

Ойқиз чиндан ҳам комсомол аъзоси эканлигини, кўнгил берган йигити — Бойғозининг ҳам комсомолга кирмоқчи эканлигини айтди. Аммо Бойғозининг комсомолга киришини билиб қолган акаси Бойғозини Тўрабойга хизматга берибди. Бой эса йигитни алдаб, сен ҳавотирланма уйинга албатта қайтариб юбораман, деб воъда бериб, роса ишлатиб юрибди. Йигит тўғри сўз, сабр-тоқатли, буюрилган нарсани лом-мим демай бажарадиганлар тоифасидан экан. Бой хафа бўлмади. Эҳтимол, Ойқиз ҳамиша қалбида қолса керак.

Ҳайдар Ойқизнинг куёвига сўз қотди:

— Бахтингиз бор экан, бунақа келинни етти иқлимдан ҳам топиш қийин. Узоқ йиллар қўша қаришларингни тилайман.

Йигит жилмайиб қўйди, эшитгилар-эшитилмас миннатдорчилик изҳор қилди Ойқиз эса Ҳайдарнинг кечинмаларини сезганден кейин, инжу тишларини кўрсатиб дам-бедам хандон ташлади.

Ҳайдар уларга ақалли йўл очилгунча овулда қолишни маслаҳат берди. Бутунлай қолишса, яна ҳам яхши.

Ҳайдар қайтиб келгач застава бошлиғи ўрток Мировга чегара бузувчиларнинг антиқа тарихини гапириб берди. Миров ишонқирамагандек бош чайқади.

— Антиқа дейсанми? Балки бу уйдирмадир.

Ҳайдар алдамаётганига боши билан жавоб беришини айтди.

— Партбилет билан ҳам, — деб кўшиб қўйди Миров.

Бир кундан сўнг радио орқали Ойқизнинг ҳамма айтганларини тасдиқловчи хабар олинди.

* * *

Баҳор келди. Тоғда кўклам бир мунча кеч бошланди. Пастликда лолалар очилиб, ўтўланлар бел баравар бўлганда ҳам, тоғларда кўклам нафаси сезилмайди... Адирдаги ямяшил гилам ўз лолақизғалдоқларини тоғ этакларига, қайин янада юқорироққа узатади. Ана шунда кўкка бўй чўзган тоғларнинг ён бағирлари қизил гулларга бурканади. Гўё биринчи май байрами дейсиз. Дарҳақиқат, лолалар кўпинча май байрамида очилади. Қизлар лолалардан гулчамбарлар ясашади, йигитлар эса эгер қошига даста-даста лола боғлаб оладилар.

Заставада ҳам сархуш баҳор бошланган. Кишлоқларда ҳам баҳор. Аммо довондан ҳали қор ариганича йўқ. У ердаги қалин қор жуда хавфли бўлиб қолган. Эҳтиётсизлик билан қадам ташладингми, зичлашиб колган қор эски пахса девордек довондан пастга қулайди.

Довондан ҳам юқорида жойлашган яйловда ҳали кўкламдан дарак йўқ. Яйловга шов қин-сурон ва хурсандчилик билан кўчиладиган Қиз-жувонлар ясан-тусан қилиб, тақинчоқларини тақиб оладилар. Ёш-яланг йигитлар арғумоқларини келинларни безагидек безашади, янги эгар-жабдуқ уриб, тизгин ва узангиларни ҳам янгилашади. Наврўз байрами яйловда ўтказиладиган бўлиб қолди. Ана шундай кунларда катта сайил бошланар, унга бутун райондан чавандозлар келиб, пойга ва улоқ ўтказишар, хурсандчилик байрами анчагина давом этарди.

Июннинг ўрталаригача ҳамма яйловларга кўчиб бўлди. Қишлоқ ва овулларда сули ва арпа экилган майдонларга қараб тракторларнинг қолгани. Ўша вақтда чорвачилик хўжаликлари шундан бошқа ҳеч қандай экин экишмасди. Нонни кам ишлатишар, тарикдан бўза тайёрлар, арпа эса отларни боқишга кетар, еганлари гўшт-у бешбармоқ, ичганлари қимиз эди.

Бирок... Баҳор меҳнат ва байрам билан бир қаторда ташвишли кунларни, жангу жадалларни бошлаб берди. Заставалар нотинч бўлиб қолди. Постлар кучайтирилиб, пистирма ва дозорлар, кўнгиллилар отряди кучайтирилди. Чегаранинг нариги томонидан нохуш хабарлар келмоқда. Қайип понсод билан Жонибек қози ҳар бири беш юздан зиёд ўғри ва каллакесарларни тўплаган, бу томонга яна ҳужум қилиш хавфи бор. Уларнинг кичик-кичик тўдалари билан чегарачилар ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб турди.

Жонибек қози касал бўлиб ётганнинг энг тор жойида улар отларини ўз ихтиёрига қўйиб, унинг думидан ушлаб юқори кўтарила бошладилар.

Ёзда уч соат йўл босадиган жойга кун бўйи юришга тўғри келди. Улар овулга кириб борганларида чўққининг қоқ учи қизариб турарди, холос. Бекмирзанинг ўтови ҳам овулсовет, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтарди. Қочоқлар нариги ўтовда экан. Қизил гулли қул ранг наматни кўтариб, иссиққина ўтовнинг ичкарисига киришди.

Уй бекаси ўрнидан дик этиб туриб, чироқни ёқди. Унинг эри эса ўрнидан оҳиста туриб, келганлар билан қўл бериб кўришди. Ҳайдарга тўрдан, сандиқнинг ёнидан жой кўрсатди, ўтиришгач дастлаб унга чой узатди. Бир оздан кейин Ҳайдар иссиқ ўтди шакилли атрофга бир-бир қараб чиқди. Кичкинагина керосин чироқ ўтовни унча яхши ёритмас, шунинг учун ўтиргانларни ҳам таниб, ҳам танимасди.

— О, мард ўғлон, ўрток командир,— деган таниш ва ёқимли овозни эшитиб, Ҳайдарнинг юраги аллақандай бўлиб кетди...

Оппоқ садафдек тишлар, ўчоқдаги олов нурида ялтилдаб турган нигоҳлар унга таниш эди.

— Ойқизмисан? — деб юраги ҳовлиқиб кетди унинг.

Ўтовдагилар жимиб қолишди. Ҳайдар эса қувончини яширолмасди.

— Қаёққа ғойиб бўлган эдингиз, Ойқиз, ойдин қиз? Сизни роса изладим.

—... ва топа олмадингиз? деб унинг сўзини тугатди қиз.

— Ҳа, ҳа топа олмадим, — деди Ҳайдар маъюс. — Қаёқда эдингиз?

Бундай мўмин хизматчини ҳеч қаердан тополмаслигини яхши биларди.

Ойқиз куёви қаёққа ғойиб бўлиб қолганлигини билолмай дорда юрибди. Куда томонда ҳам жимжитлик, яна комсомоллардан қутулиш ниятида бўлса керак, отаси ўғлим Бойғозини нариги томонда ўлдириб кетишибди, деб кўя қолди. Лекин бу гапга Ойқиз ишонмади. Чунки қирғиз оиласида биров ўлса албатта маъракага ўтказилади, мулла келади, кексаларни, мархумнинг ёру-биродарларини чақиришади. Бу урф-одатларнинг бирортаси ҳам бўлмади. Йўқ, у ўлган эмас, тирик. Ойқиз шундай деб, ўзи уни қидиришга тушди...

— Ана ўша пайтда, сиз билан учрашган эдик, яхши йигит.

— Ойқиз, ойдин қиз, — Ҳайдар шу номни оҳиста такрорлар экан, тоғдаги илиқ ёз кечасини эслади. Абжир чавандоз қиз кўз ўнгида келди.

— Сизнинг топилганингиз яхши бўлди. Мен бўлсам тушда кўрган эдим деб, ўйлаб юрувдим...

Қиз хандон уриб кулиб юборди. Шундагина Ҳайдар унинг ёнидаги йигитга назар ташлади. Оддий, кўримсизгина йигит, кенг елкалари ва очиқ чеҳрасини айтмаса, ўзидан тортадиган ҳеч қандай хислати йўқ. Аммо жуда бақувват кўринади.

Ҳайдар шундагина қизнинг топилгани яхши-ку, аммо бундан ўзига фойда йўқлигига имони комил бўлди. Унинг учун Ойқиз гўё қайтмагандай, гўё ҳамон аллақаерларда юргандай туюлиши ёқимлироқ эди.

Бирок, негадир бундан сира ҳафа бўлмади. Эҳтимол, Ойқиз ҳамиша қалбида қолса керак.

Ҳайдар Ойқизнинг куёвига сўз қотди:

— Бахтингиз бор экан, бунақа келинни етти иқлимдан ҳам топиш қийин. Узоқ йиллар қўша қаришларингни тилаймам.

Йигит жилмайиб қўйди, эшитгилар-эшитилмас миннатдорчилик изҳор қилди Ойқиз эса Ҳайдарнинг кечинмаларини сезганден кейин, инжу тишларини кўрсатиб дам-бедам хандон ташлади.

Ҳайдар уларга ақалли йўл очилгунча овулда қолишни маслаҳат берди. Бутунлай қолишса, яна ҳам яхши.

Ҳайдар қайтиб келгач застава бошлиғи ўрток Мировга чегара бузувчиларнинг антиқа тарихини гапириб берди. Миров ишонқирамагандек бош чайқади.

— Антиқа дейсанми? Балки бу уйдирмадир.

Ҳайдар алдамаётганига боши билан жавоб беришини айтди.

— Партбилет билан ҳам, — деб кўшиб қўйди Миров.

Давоми бор).

ЎН ИККИНЧИ ТАШАККУР

КИЧИК сержант Шонеъмат Шомирзаев билан хизматни бирга бошлаганмиз. Шунинг учун ҳам Совет Армияси сафидаги ҳар бир ютуғи мен учун қимматлидир. Бугун шу дўстим ҳақида гапириб бермоқчиман.

Шонеъмат хизматнинг дастлабки кунлариданоқ қуролдошлари, командирларнинг ҳурматини қозонди. У ҳарбий машғулотларга бўлган жиддий муносабати, техник билимларни эгаллашдаги қобилияти, дадил ва чаққонлиги, кўпчилик билан тезда тил топишиб кетиши туфайли энг илғор жангчилар сафидан ўрин олди. Тез орада сиёсий билими чуқурлиги, комсомол ишларида актив иштирок этганлигини эътиборга олиб, аълочи солдат номини беришди.

Кейинроқ эса илғор солдат ефрейтор ҳарбий унвонига сазовор бўлди ва қолоқ бўлинмалардан бирига командир қилиб тайинланди.

Унинг бўлинмаси интернационал бўлинмадир. 12 киши орасида 7 миллат вакиллари хизмат қилади. Шонеъмат улар билан тез тил топишиб кетди. Нега бўлинма қолоқ бўлиб юриши сабабларини аниқлади. Сўнгра бутун коллективни жиддий шуғулланишга, илғорлар сафидан ўрин олиш учун ўзаро социалистик мусобақани қиздириб юборди.

Тадбиркор, қийинчиликлардан чўчимайдиган Шонеъмат Шомирзаев командирлик қилдиган бўлинма тез орада юқори кўрсаткичларга эриша бошлади. Ҳозир эса унинг йигитлари ротадагина эмас, бутун отрядда ҳам ғолибликни қўлдан бермай келишмоқда. Йигитлар сиёсий машғулотларда, ҳарбий машқларда доим аъло ва яхши баҳоларга сазовор бўлмоқдалар. Бунда бўлинманинг командири, солдатларнинг энг яқин дўсти кичик сержант Шонеъмат Шомирзаевнинг хизмати катта.

Яқинда командирларимиз Шонеъмат Шомирзаевнинг намунали меҳнатига яна юксак баҳо бердилар. Рота ва отряд командирлари номидан ҳаммамизнинг дўстимиз сержант Ш. Шомирзаев ўн иккинчи марта ташаккурнома олди. Ана шу рақамнинг ўзиёқ қуролдош дўстимиз қандай хизмат қилаётганлигидан далолат беради.

Интернационал бўлинма солдатлари совет Қуролли Кучларининг 60 йиллик тўйига ҳам муносиб совғалар билан келдилар. Бугунги кунда унинг жангчиларидан беш киши коммунистик меҳнат зарбдори ҳисобланади. Январь ойи якунлари бўйича солдатлар илғорликни қўлга киритдилар. Улар ўз зиммаларидаги топшириқни 136,4 процент қилиб бажардилар. Бунда қурувчи солдатлардан Темир Исангушин, Маъруф Муҳамедов, Александр Заврагиновларнинг катта ҳиссалари бор.

Бўлинма солдатлари юксак марраларни кўзламоқдалар. Уларнинг командирлари кичик сержант Шонеъмат Шомирзаев ўз йигитлари билан Ватан олдидаги муқаддас бурчни шараф билан ўтамоқда.

Х. ПАРДАЕВ,
оддий солдат.

ШОНЛИ сана Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллиги байрами арафасида республика рассомлари кўргазма залида мўйқалам соҳиблари ва амалий санъат усталарининг энг яхши асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Экспонатлар орасида айниқса В. Зияевнинг «Тўйчи Эрингитов жасорати», Г. Моисеевнинг «Қалб амри билан», Ҳ. Раҳмоновнинг «Қизлар совғаси», К. Носировнинг «Генерал Собир Раҳимов портрети» асарлари оригиналлиги билан ажралиб туради. Суратларда: «Пахта заводини ҳимоя қилиб», «Қизлар совғаси», «С. Раҳимов портрети» деб номланган расмлар.

А. Жумаев фоторепродукцияси.

СОЛДАТ ИЛҲОМЛАРИ

ОҚ ЙЎЛ

Редакциямизга пойтахт областимизнинг барча район ҳаваскор шоирларидан хатлар келиб туради. Шу билан бирга бошқа областлардан, мамлакатимизнинг узоқ чеккаларида хизмат қилаётган солдатлардан ҳам узлуксиз хат олиб турамиз. Айримларнинг қаламлари бир мунча қайралиб қолган. Шулардан бири ҳозирги кунда Совет Армиясида хизмат этаётган Мейлижон Садировдир. Мейлижон ўз шеърларида самимийликка, оҳангдорликка интилади. Унинг баъзи шеърлари газетамизда илгари ҳам босилган. Қуйида биз ҳаваскор шоирнинг аруз вазнида машқ қилган икки ғазалини газетхонлар эътиборига ҳавола этар эканмиз, унга ижод майдонида ҳали кўп машаққат чекишга тўғри келишини, барча қийинчиликларни сабот билан енгиб, ўз овози, ўз оҳангини яратиш борасида тинмай изланиши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Мейлижон ўз ижодий йўлингизни яратишда оқ йўл тилаймиз!

ТИЛ

Билки сен, жисму жоннинг ичра бўлур охори тил,
Англасанг одамни одам қилган кўрк-баҳори тил.
Тилсиз не кечарди ҳолинг, ностаб кўнглинг очмасанг,
Минг шукур минг бир дардингга биргина чин
дори тил.

Бефойда дунё дегай ким иши ўнг келса доим,
Нега қўл урса киши энг аввало ҳамкори тил.
Тили бор, лек бетайинлар эҳтиёт айланг уни,
Тил нозик, бефойда сўйлаб бўлмангиз сўнг зори тил.
Тилга бўлсин барча сўз-у, тилга бўлсин барча шон,
Ургувчи қалбларнинг эркин сероҳанг дутори тил.
Сен-ку тилдан арз этма эй, Мейлижон бордир тилинг,
Не балога учрасанг ҳам чекмагил ғам кори тил.

ҲУСНИНГНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Кўр, бу чаман ишқ аҳлининг мендаги раъноси йўқ,
Раъноси борларнинг аммо сен каби аълоси йўқ.
Вах, бу дунё сени менга йўқ жойдан этмиш ато,
Кашфу-воқифликда ундан ўзга бир доноси йўқ.
Қудратим борича тинмай интилиб ўтгум сенга
Сув бўлиб оққан умримнинг бошқа ҳеч маъноси йўқ.
Сен агар жонимда бўлсанг, ишқ эса қонимдадир,
Севгининг покликдан ортиқ энг буюк даҳоси йўқ.
Оз эмас, ёрни деб ёлғиз шеър-ғазал битгувчи жон,
Ёр учун ҳатто ошиқнинг кезмаган воҳаси йўқ.
Кел, бу кун ишқ дафтаридан ушбу нозним
уқ ва лек,
Мейлижон қаламга олган ҳуснингнинг баҳоси йўқ.

Мейлижон САДИРОВ.

«ОРЛЁНОК» ЖАНГГА КИРАДИ

(РЕПОРТАЖ)

ЯРИМ КЕЧА. Майин тоғ шабадаси эсади. Атроф сокин, борлиқ оромга, ширин уйқуга чорлайди.

Қандайдир шарпа кўринмагандек бўлди.

Мана, у рўй-рост кўзга ташланди.

— Пароль? — сокчи товуши амирона янграйди.

— Бургут. Дарров тревога эълон қилинг.

Лагерь оёққа туради. Секундомер вақт санайди.

— Батальон, смирно! Равнение на середину! Ўртоқ подполковник! Батальон шахсий состави буйруғингизга мувофиқ сафландиг!— рапорт беради капитан.

Офицер қиска ва лўнда вазифа қўяди. Этиклар гурсиллайди. Олга!

Якин манзилдан дарак берган танклар моторларининг гувуллаши эшитилди.

— Мудофаа марралари эгаллансин!

— Биринчи рота чапга, иккинчиси ўнгга!

— Учинчи рота танкларга ўт очсин!

Осмонда ракета порлади. Кўк, қизил! Бу ҳужумга сигнал!

Автоматлар тариллайди, Граната лар портлайди. Ҳайбатли ура садолари янграйди. Машқа кийин бўлса, жангда енгил бўлади. Ким айтган буни? Суворов, Генералиссимус.

...Фронт лавҳасими бу? Жангми ё машқ? Иккаласи ҳам. Ҳақиқий фронт ҳам. Координатлари-чи? Тошкент область, Бўстонлиқ райони, Ҳарбий лагерь — «Дорожник» пионер лагери. Бутуниттифоқ ҳарбий спорт комсомол ўйини «Орлёнок» мусобақаларидан бир лавҳа.

Максади — ёшларни жисмонан ва маънавий бардам этиб, Ватан мудофаасига тайёр этиш.

Вазифаси — бошланғич ҳарбий тайёргарлик кўникмаларини ҳосил этиш:

Ҳарбий техник касбларга ўргатиш.

«ГТО» нормативларини бажариш.

...Подполковник саф тортган солдатларга тикилади. Ҳаво десанти қўшинлари формасидаги йигит-қизлар чеҳраси жиддий.

— Тошкент шаҳар 86 профессионал техника билим юртининг «Орлёнок» отряди жанговар вазифани бажарди, — рапорт беради капитан.

У ҳақиқий армия офицери, запасдаги капитан Вячеслав Орлов, билим юрти ҳарбий раҳбари. Унинг отряди Куйбишев районидаги мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаб, Тошкент шаҳри ва областидаги финал мусобақаларга йўлланма олди. Ғолибликка даъвогар саккиз команда ичида милтиқдан отиш, автоматни қисмларга ажратиш ва қайта жойлаш, комбинациялашган эстафета, автомобиль ҳайдаш, сафда юриш, узоқ масофага чопиш, граната ирғитиш ва бошқа ГТО нормативлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришди. Фарғона шаҳрида ўтган II республика финалида ҳам фахрий биринчиликни қўлга киритаолди.

Отряд II Бутуниттифоқ финалида иштирок этишга йўлланма олиб, Горький шаҳрида ўз маҳоратини намойиш қилди.

Унинг зиммасига Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишдек масъул вазифа юкланди.

Туркистон ҳарбий округининг Ю. Гагарин номли пионер лагери базасида мунтазам машқлаю, мусобақаларга тараддуд бошланди. Программа ранг-баранг ва мураккаб эди.

Шунинг учун ҳам мусобакалар ҳақиқий жанг тарзида ўтерди. «Учқун» деб қодланган тактик ўйинга — замонавий жанг усулига тараддуд кетарди.

...Ҳужум қайтарилди. Позицияларда жимлик. Ёқимли, ҳид димоғни қитиқлайди. Нонушта, солдат нонуштаси! Бўтқа, сариёғ ва қанд. Иссиқ ҳўшбўй чой!

Бир группа йигит-қизлар автоматларини қисмларга ажратиб, яна тиклаш машқи билан машғул.

— Диққат, диққат! Газ!

Противогазлар кийилмоқда. Бир, икки, уч!

Саноқли секундларда отряд газ ҳужумига шай.

— Атом!

Плашч, комбинезонлар кийиш бошланди. Бу ОЗК-ғаъни шахсий ҳимоя воситаларини ишга солиш демакдир.

Машқлар, машқлар. «Орлёнок» отряди ҳарбий қисмлар. Тошкент гарнизони отлиғида бўлғуси иттифоқ мусобақаларига пухта тараддуд кўрмоқда.

Айниқса, В. И. Ленин номидаги олий умумқўшин командирлар ҳарбий билим юрти курсантлари улардан ёрдамларини аямадилар.

Горький шаҳрида отряд кучли рақибларга дуч келди. Айниқса, «ГТО бўйича ёш армиячилар уч кураши» мусобақалари кескин тус олди. «Снайпер» операцияси ҳам ҳазилакам бўлмади. Калашников автоматидан отишда зўр мерганлар беллашишди. Ялпи қирғин қуролидан сақланиш воситаларидан фойдаланиш бўйича мусобака жуда мураккаб бўлди. Граждан мудофаси, Совет Армияси уставларидан конкурс, викториналар, сафда юриш ва тактика, жанговар тайёргарлик кеби ранг-баранг синовлар ғолибларни белгилади.

Отряд Узбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги Бутуниттифоқ комсомол ҳарбий-спорт «Орлёнок» ўйини Бош Штаби, СССР Министрлар Совети ёрлиқлари билан тақдирланди.

Бутуниттифоқ комсомол ҳарбий спорт «Орлёнок» ўйини бу йил жуда мураккаб ўтади. Унга генерал-майор Береговой раҳбарлик қилади. Менимча, шундай ишларни қилсак...

Орлов жўшиб сўзлайди. Подполковник мамнун тингалайди. Баҳслашади, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатади.

Комиссар кабинет ичра ўйчан қадам ташлайди, ўй суради. Район барча кўрсаткичлар бўйича 1977 йил социалистик мусобақа пешқадами бўлди. Узи эса республика партия Марказий Комитети, Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ҳалқ депутатлари Куйбишев район Совети депутати сифатида ҳам кўпгина наказлар бажарилди. Аммо ҳали қўл урилмаган, бажарилмаган вазифалар кўп. Ҳаммасига улгуриши керак.

Телефон асабий жиринглайди. Трубкани оларкан, беихтиёр чеҳрасида табассум пайдо бўлади. Рафиқасининг таниш овозидан нигоҳидаги ҳарбийча жиддий салобат йўқолади. Уч ўғил, ширин қиз отаси эканлиги ёдига келади.

— Ҳозир, опаси, дейди кулиб.

Подполковник Омон Бобобеков унумли иш кунидан сўнг уйига, фарзандлари қошига, юзлаб, минглаб ҳамшаҳарлари қатори табассум, кувонч, бахт оромгоҳи — оила қучоғига ошиқади.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
запасдаги офицер.

ҒАЛАБА ҲАҚИДА БУЙРУҚ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Бутуниттифоқ радиосининг диктори Юрий Борисович Левитан Улуғ Ватан уруши давомида деярли ҳар куни Совинформбюро ахборотлари, Олий Бош Қўмондон буйруқлари ва бошқа фронт хабарларини ўқиди. Ҳар гал унинг овози янграганда, миллионлаб кишилар жон қулоғини бериб тинглаган, қалбларида ҳисҳаяжон тўлқини мавж урган.

Юрий Борисович ўша даврни эслаб шундай дейди:

— Кўп юлларда муҳим ва шошилинч хабарларни олибоқ студияга югурардик. Микрофон олдида артистми ёки дикторми, ким бўлмасин, сўзини бўлиб ташлаб, ахборот тексти билан олдиндан яхши танишмаган бўлсак ҳам ўқиб юбораверар эдик: «Қўшинларимиз Германия чегараларига қадам қўйдилар», «Совет танклари рейхстаг остоналарида жанг олиб бормоқдалар».

Ва киҳоят... «совет қўшинлари тиз чўктирилган Берлин устига Ғалаба Байроғини тикдилар!». Мен ўшанда микрофон орқали бутун мамлакатга қарата чин кунглимдан чиқариб: «Ғалаба билан, қардошлар-» деб ҳайқиргим келди.

Тўққизинчи Май! Ғалаба ҳақида буйруқни ўқиш навбати келди. Унг Левитан ўқиши керак эди. Радиокомитет раиси билан Левитан Кремлда буйруқни олиб студияга жўнадилар. Студия яқинида, шундоқ майдонининг нариги томонида эди.

— Урининб-сурининб бир неча метр юра олдик, холос, — эслайди Ю. Левитан. — Бироқ ундан у ёғига сира иложи бўлмади. «Ўртоқлар, биз ўтиб кетайлик, ялпидик, шошилинч ишимиз бор, махсус иш, ахир». Улар бизга «Қанақа иш?!! ишингизни ёнгиштиринг. Ҳозир буйруқни ўқишади. Салют бўлади. Мана, ҳамма турибди. Сизлар ҳам эшитинглар».

Нима ҳам қила олардик? Кремлга қайтиб киришга мажбур бўлинди. Ғалаба ҳақидаги буйруқ Кремль студиясидан янгради: «Москвадан гапирамиз...».

А. БАБАНОВ.

ЛЕНТАЛАРДА ЖАСОРАТ МАДҲИ

ШУ кунларда пойтахтдаги кинотеатрларда ҳарбий мавзулардаги бадиий фильмлар намойиш этилмоқда. Совет Армиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу фестивалда экран асарлари халқимизнинг мустақиллик учун фашистларни муқаддас тупроғимиздан ҳайдаб чиқариш учун олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳозир 22 та кинотеатрда шонли санага атаб фото кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бу кўргазмалар Совет Армиясининг босиб ўтган шарафли йўлига, қуролли кучларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи картиналарга бағишлангандир.

Областимизнинг шаҳар ва районларида ҳам Қуролли Кучларимиз юбилейига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Тез орада жангчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кинофестивал бошланади. Барча кинотеатрларда тематик фотокўргазмалар ташкил қилинади.

М. ЗАРИПОВ.

ТАНКЧИЛАР бўлинмаси Совет Қуролли Кучларининг шонли 60 йиллигини жанговар сиёсий тайёргарликларини оширган ҳолда, ўз постларида сергак кутиб олишмоқда. Бўлинмадаги ўзаро мусобақада В. Шачнов билан В. Комаровлар бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Суратда: танкчилар навбатдаги ўқув машғулотида.

А. Асанов фотоси.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ №160—161

Спорт

БАЙРАМ ШАРАФИГА

РЕКОРД

Киевда армиячи штангачилар ўртасида ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнири СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллигига бағишланган. Бундай анъанавий мусобақа ҳар йили Совет Армияси куни олдидан ўтказиб турилади. Бу сафарги турнирда болгариялик мехмонлар ҳам иштирок этишмоқда. 60 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида львовлик В. Лавринюк болгар штангачиси С. Димитровга биринчи машқда 7,5 килограмм ютқазиб қўйди. Лекин у иккинчи ҳаракатда орадаги фарқни камайтириб, икки курашда 262,5 килограмм натижа билан ғолиб келди. В. Лавринюк қўшимча ҳаракатда 153 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, Қуролли Кучларнинг янги рекордини ўрнатди.

Мусобақада қатнашган Туркистон ҳарбий округи вакили Наил Ибраимов 320 килограмм натижа билан 75 килограммгача полвонлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади ва чемпионлик унвонига муяссар бўлди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАРИ

Элиста шаҳрида ёшлар ўртасида классик кураш бўйича СССР шахсий биринчилиги мусобақаларига якун ясалди. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган саккиз полвон орасида икки киши Александр Баранов билан Шамил Фаткулинлар медаль эгаси бўлишди.

Минскда эса эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Республикамиз вакили тошкентлик динамочи Энвер Абдурамонов 57 килограммгача полвонлар ўртасида иккинчи ўринни олиб кумуш медаль эгаси бўлди.

РУЗИЕВ ЯНА ҒОЛИБ

Тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери Собир Рўзиев иттифоқда энг кучли киличбозлардан бири эканлигини яна бир карра исботлади. Куни кеча Украина пойтахтида «Киев рапираси» деб номланган халқаро турнирда Совет Иттифоқи терма командаси сафида қатнашган спортчимиз командадош дўстлари А. Романьков, Б. Фоменко, Ю. Егоров ва С. Исаковлар билан ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилди.

Тошкентлик киличбоз шу йил июль ойида Германия Федератив Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик кўряпти.

ҚУШ ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларини Москвада маҳаллий «Локомотив» командаси билан ўтказиб иккала ўйинда ҳам ғалабага эришдилар. Биринчи учрашувни 9:5 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилган ҳамшаҳарларимиз иккинчи ўйинда 6:3 ҳисобида устун келишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

23 февраль, 1, 3 март соат 19,30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

В. ВАСИЛЬЕВ Ҳ. ШАРИПОВ таржимаси

РЎЙҲАТЛАРДА ЙЎҚ...

М. ЗАХАРОВ ва Ю. ВИЗБОР инсценировкаси.
Саҳнага қуювчи режиссёр — Б. ИЎЛДОШЕВ.
Рассом — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР давлат мукофотининг лауреати Г. БРИМ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

24, 28 февраль соат 19.00 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

СТАНИСЛАВ СТАТИЕВ асари — САИД АҲМАД таржимаси

ҲАММОМГА БАЛО БОРМИ?

(2 пардали сатирик комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — МАННОН ҲАМИДОВ.
Рассом — АЛЕКСАНДР БАТИКОВ.
Музика раҳбари — ШУҲРАТ ҲОШИМОВ.
Режиссёр асистенти — ЗАРИФА МАҲКАМБОЕВА.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

КАССА СОАТ 10.00ДАН 20.00ГАЧА ИШЛАЙДИ.
Томошалар соат 19.00да, шанба ва якшанба кунлари 12:00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

«КЛАВДИЯ ЕЛАНСКАЯ» ТЕПЛОХОДИДА БИРИНЧИ МАРТА ҒДР ВА ПОЛЬШАГА КИРИБ ЎТИШ БИЛАН ДЕНГИЗ САФАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

САЁҲАТ МАРШРУТИ:

РИГА-ВАРНЕМЮНДЕ-ПОТСДАМ-БЕРЛИН-ГДИНЯ-ВАРШАВА-ТАЛЛИН

ТУРИСТЛАР ТОШКЕНТДАН ПОЕЗДДА ЖУНАБ, РИГАГАЧА БОРАДИЛАР, УЛАР РИГАДАГИ ИККИ КУНЛИК ДАМ ОЛИШ ВАҚТИДА МУЗЕЙ ШАҲАРНИНГ ГЎЗАЛ ЕДГОРЛИКЛАРИ ВА АРХИТЕКТУРА АНСАМБЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШАДИЛАР.

СУНГРА ТЕПЛОХОД БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ САФАРИГА ЧИҚАДИ, У ҒДР ВА ПОЛЬШАГА КИРИБ ЎТАДИ.

Сафар программасида ҒДР да тўрт кун бўлиш кўзда тутилган, туристлар шу вақт ичида Ростоқ, Потсдам, Берлинга экскурсия билан борадилар, ҒДР пойтахти билан танишадилар, Трептоз-паркка борадилар, Пергамон музей, расмлар ғалереясига ташриф буюрадилар.

Берлиндан чиқиб экскурсия Потсдамга йўл олади, туристлар Цицилиенхоф ва Сан-сусида бўлишади.

Теплоход Германиядан Польшага жўнайди. Тўрт кун мобайнида туристлар Гдиня ва Варшавада бўлишади, экскурсия билан Трайгородга боришади.

Теплоход сўнг Таллинга қайтади.

ДЕНГИЗ САФАРИ (ўтилган йўл ҳам шу ҳисобда) 22 КУН ДАВОМ ЭТАДИ.

ТОШКЕНТДАН 11 МАРТДА ЖУНАБ КЕТИЛАДИ.

I класс путёвка баҳоси — 548 сўм: II класс — 530 сўм.

ПОЕЗДДА РИГАГАЧА БОРИШ ВА ТАЛЛИНДАН ОРҚАГА ҚАЙТИШ, ОВҚАТЛАНИШ, ЯШАШ ВА ШАҲАРДАГИ ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТ ҲАРАЖАТЛАРИ ПУТЕВКА ҚИЙМАТИГА КИРАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Асл йигитлар». 10.40 — «Одерда баҳор» (бадиий фильм). 12.15 — «Киносаёҳатчилар клуби». 16.10 — Ҳужжатли фильмлар. 17.15 — «Сиз яратган боғ». 17.45 — Шеъриий композиция. 18.10 — «Горичилар, қаердасиз?». 18.40 — «Санъат — солдатга». Музикали фильм. 19.20 — Спортлото. 19.30 — Концерт. 19.55 — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффусда — «Вақт».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физика. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Физика. 13.00 — Фильм-концерт. 17.00 — Фильм-концерт. 17.30 — «Ёш армиячилар мусобақаси». 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Совет Армиясининг 60 йиллигига. 19.40 — Ахборот. 19.55 — Москва. Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз Флотининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффусда — «Вақт».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Адабиёт. 19.30 — Транспорт ва йўловчи. 20.00 — Янгилик. 20.20 — Математика. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.40 — Физика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22ДА Корсар, 23ДА Концерт.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22ДА Оқшомдан тушгача, 23ДА Келинлар кўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22ДА — Парвона.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Тақдир (катта зал), Есения (кичик зал, кундуз ва кечқурун), Нафрат — «ДРУЖБА» (11, 13.30). «ВОСТОК» (10.30, 12, 14, 16, 18.00, 19.30, 21.00). «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 20.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (10.30, 13, 14.30).

Қуролланган ва жуда хавфли — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), ЛИСУНОВ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ДРУЖБА» (12, 14.30, 17.20, 20.00).

Тақдир — «НУКУС» (11, 13, 17, 20.45).

Баҳорга чақириқ — «ВОСТОК» (кичик зал, 11, 15, 17, 18.30, 20.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894

Р. 12876 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2349.